

## ФРАНЦ КАФКА РОМАНЛАРИДА «ОЗОДЛИК» ВА «БЕДАРАК» МОТИВЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ

**Шаҳноза Куванова Омоновна**

Қарши давлат университети эркин тадқиқотчиси

E-mail: [kuvanova\\_7576@list.ru](mailto:kuvanova_7576@list.ru)

### **АННОТАЦИЯ:**

Мазкур мақолада Франц Кафка романларининг хусусияти ва ёзувчининг ички кечинмалари, ҳамда асарда «озодлик» ва «бедарак» мотивининг берилиши ифодаланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бедарак образининг тасвири Кафка услубининг моҳиятини ташкил этади. Адибнинг ёзиш услубини ўрганиш доирасида унинг ҳаёти ва ижоди ҳам яқиндан ўрганилади. Франц Кафка асарларида «озодлик» ва «бедарак» тушунчалари ёрдамида аслида ҳаёт ва ҳодисаларнинг мавжуд шакллари белгиланиши ушбу мақолада тадқиқ этилди.

**Таянч сўзлар:** роман, ёзувчи, матн, мутолаа, иммиграция, бедарак, оригинал, Озодлик ҳайкали, Европа.

### **FUNDAMENTALS OF THE MOTIVE OF "FREEDOM" AND IN «DISAPPEARED» FRANZ KAFKA'S NOVELS**

#### **ABSTRACT:**

This article describes the process of feature Franz Kafka's novels and the writer's inner feelings, as well as the motive of «freedom» and «disappeared» in the work. It should be noted that the depiction of the images of freedom society is the essence of Kafka's style. As part of the study of the writer's writing style, his life and work are also closely studied. In this work, Franz Kafka explores the definition of

existing forms of life and events using the concepts of " disappeared " and " freedom " .

**Key words:** novel, writer, text, reading, immigration, disappeared, original, the statue of Liberty, Europa.

Франц Кафка — асарлари немис тилида ёзилган XX асрнинг йирик ёзувчиларидан ҳисобланади. Кафканинг асарлари инсон тафаккурини ўзгартириб юборди, унинг адабиёт ҳақидаги тасаввурини янгилади, одам ва очунга ўзгача эстетик нуқтаи назардан қараш мумкин эканлигини кўрсатди. XX асрнинг биринчи ярмида Кафкани китобхон аҳли ҳали билмасди. Унинг ижоди ҳақида илк дафъа Ҳерман Хессе, Стефан Цвейг, Алфред Дёблин каби машҳур адиблар гоҳ маъқуллаб, гоҳ таҳсинлар айтиб мақолалар ёзишган бўлсаларда, аммо ўзининг ғайриоддийлиги, замон руҳига, давр талабига мос келмаслиги сабаб Кафка асарлари кенг китобхон оммасига етиб бормади.

Кафка ижодини англаш — ундан фақатгина мерос бўлиб қолган, ишлов бериш осон бўлмаган биргина материал — Сўз билан бетўхтов ички курашни англаб етишдир. Кафка таъкидлагандек, ҳар қандай ифодали Сўз — моҳиятга изоҳ бера олмаса ҳам формула аниқлиги даражасида ифода этиш қийин бўлган нарсани тушунишга олиб борадиган йўлни кўрсатади. Изҳори дил — «адабиёт ва қўрқинч» қамраб олган Кафка ижодиёти моҳиятининг асосидир. У бизга ажойиб прозани — расмий матнлардагидан лўнда, шу билан бирга, руҳий-маънавий бухронларни жиловлаган соҳир асарларни мерос қолдирган. [3:13].

Кафка романларида инсон ўзи учун ўзга ва душман бўлган дунёга қарши қўйилади. Ёзувчи нуқтаи назарига кўра дунё шафқатсиз, бемаъни, принцип жиҳатидан номукамал, унинг «қонуниятлари»ни эса умуман тушуниб бўлмайди.

Франц Кафканинг «Қўрғон» ва «Жараён» романлари сингари «Америка» романи ҳам адоғига етгани йўқ. Эҳтимол, бу ерда муаммо Кафканинг ижодга бўлган муносабатида, «эпик кўлам» йўқлигида эмас, балки тугал сюжетни,

табиатан ҳал этиб бўлмайдиган конфликтнинг ечимини қатъиян рад этувчи поэтикасидир [5:158]. Франц Кафка яратган Георг Биндамен («Хукм»), Грегор Замза («Эврилиш»), танобчи К («Қўрғон»), Карл Россман («Америка») асар қаҳрамонлари маънавий — ахлоқий меъёр, яъни ҳаётнинг мантиқсизлигидан, ўта ғариблигидан чиқиб кетиш йўлини ахтармасликнинг ўзи жиноят ва жазога тортилишга арзирлидир, ахтаришнинг ҳам фойдаси йўқ — бу ҳам жазога лойиқ, деган хулосани билдиради. Тўғри, «Жараён» романидаги Йозеф К.дан фарқли равишда, «Америка» романидаги Карл Россманнинг айби йўқ. Кафка кундаликларида қайд этилишича, Карл Россман «айбсиз», яъни ҳали анча ёш бўлганлиги сабабли у ўз экзистенциалистик руҳдаги айбини англамайди. «Америка» романи ранглар ва товушлар уйғунлигидан иборат, шакли ва мазмуни жиҳатдан анча аниқ ва ифодали. Асарда XX аср бошида АҚШдаги жўшқин ҳаёт тасвирланади. Кафка АҚШда бўлмаган, бироқ Америка ҳақида кўп ўқиган, эшитган, у ерни кўрган, у ерда яшаган одамлар билан учрашган, суҳбат қурган. Кундаликлари ва хатларидаги қайдлардан Кафка Америкага нисбатан ички қувилишу махбуслик туйғусидан ташқарида улкан муҳаббат билан улғайганини тахмин қилиш мумкин. Ёзувчи «Панжалари баҳайбат муштипар онам» дея оҳанграбодай ўзига тортувчи ёдда қоларли ибора билан атаган Прагадан ўзга макон, қалбида ҳар қанча муҳаббат бўлмасин, ўзга тупроқ Кафка учун Ватан ўрнини босолмасди, чунки адибнинг исёнкор табиати ва Америкада ғойиб бўлган йигитчанинг руҳиятига солиштирганда, бунга амин бўлиш мумкин. Романнинг ибтидосида Кафка Нью-Йорк бандаргоҳига кириб келган Карлнинг илк маротаба Озодлик ҳайкалини кўриб, санъат асарининг юқорига кўтарилган қўлидан ҳайратга тушган ва атрофида айланаётган хурлик шамолларини қаҳрамони билан бирга ҳис қилганига қарамай эркинликнинг ёқимли саболари ҳам муаллифнинг қалбида ўша панжалари баҳайбат муштипаргина онасига бўлган муҳаббатни ёзувчининг қалбидан супуриб чиқаролган эмас. Кафка бир муддат Прагадан ташқарига яшагандир, бироқ ушбу шаҳарнинг қиёфаси унинг хаёлидан кўтарилгани йўқ. Ҳаётининг охирида Прагадаги Яҳудийлар шаҳарчаси деворининг базмлар ўтказиладиган хонасидан

қараганда, бир-бирига яқин жойлашган бошпаналарнинг манзарасига тегишли шундайин сўзларни маҳбубаси Милена Есенскаяга битган эди: «Агар каминага истакларим орасидан танлаш имкони берилганида, отаси ўртада бир қанча эркаклар ила баҳс-мунозара қилаётган, онаси эса қаттиқ ўраниб, сафарга керакли нарсаларни қидираётган хонанинг бурчагида ғам-ташвишсиз ўтирган Шарқнинг яҳудий боласига айланишни ва атиги бир неча ҳафтадагина Америкада бўлиб қолиш ниятини танлардим...» [6:265]. Ҳа, бу сўзларни ўқиб беихтиёр қалбга титроқ инади. Ғайриихтиёрий равишда кўз ўнгингда бошига машъум кўргилик тушган ва Америкадай сарҳадлари улкан мамлакатда ўз озодлигию ҳузур-ҳаловати учун курашган ўн олти ёшли болакай Карлнинг қиёфаси беихтиёр гавдаланади.

Кафка қаҳрамонларининг ҳаётини тасвирлар экан, айтиш жоизки, у инсоннинг ожизлигини ёрқин ифода эта олади. Бу Кафканинг ўзига хос услуби, ёзувчи бунда жамиятни, тузум, вазиятни эмас, балки инсоннинг ўзини ва ожизлигини акс эттиради. Озодлик ҳар қандай курашга арзийди, ҳатто унинг қиймати ҳаётингга тушса-да! Айнан шу қусури учун ҳам китоб қаҳрамоннинг қувилиш тарихини ифода этади — аввалига Европадаги уйдан, кейин амакисининг хонадонидан, сўнг меҳмонхонадан ҳайдалади.

Франц Кафканинг тугалланмаган уччала романи ҳам унинг вафотидан сўнг: «Жараён» — 1925 йилда, «Қўрғон» — 1926 йилда, «Америка» — 1927 йилда чоп этилган. Ҳозирда эса ёзувчининг тўпланган барча асарлари катта ҳажмдаги ўнта жилдга жойлаштирилган [13:7]. Қисқа кечган умри давомида Кафка ўзи учун кўрққани йўқ. Бедаво касаллигини ва эрта ўлимини у таҳсинга сазовор довюраклик билан кутиб олди. Уни инсон қисмати, табиат яхлитлиги ва Ердаги жамики тирик жонзотга солинган таҳдид хавотирлантирар эди. Адиб гўё ўзида қандайдир бир илоҳий куч, сирли қурол бўлгани каби, унинг ёрдамида бошқалар кўролмаган ёки кўришни истамаган нарсаларни кўра олди, қолаверса олдиндан башорат қилди. Эҳтимол, Кафка кўролганини, сезганини тушунарли қилиб айтиб беролмагандир. У Милена Есенскаяга йўллаган мактубларидан бирида «Мен сенга ҳам, ким бўлишидан қатъий назар, бошқа

бирон одамга ҳам ич-ичимдан кечаётган ғалаённи тушунтириб бера олмайман....Буни қандай қила олардим ҳам, ахир мен ўзимга ўзим бунинг сабабларини тушунтира олмасдим. Аммо бу муҳим эмас, муҳими шундаки мен кундузи ёруғ, кечаси зулматли маконда атрофимдаги одамларга ўхшаб яшашим амри маҳол» [8:252]. Айнан шу сўзларидан Кафкани нечоғлик озодлик учун курашганию, аммо озодликка эришганда ҳам бахтни ҳис эта олмаслигини тушуниш мумкин.

Аслини олганда, Кафканинг кўркувлари, ҳасрату надоматлари айнан ушбу «одамларга ўхшаб яшай олмасликдан» келиб чиққан. Адиб романлари, новеллалари ва кундаликларида учрайдиган рамзий ҳикоялар бу ҳақда баён этиб туради. 1910 йилдан то 1923 йилгача мунтазам ёзиб борилган кундаликлари Кафкага ўзининг бетакрор услубини топишга, уни сайқаллаштиришга ёрдам берди. «Америка» романи автобиографик роман эканлигини унинг кундаликларидаги ёзилган қайдларидан билиш мумкин. Кафка кундаликларида қайд этилишича, Карл Россман озодлиги учун курашган «айбсиз» бола [8:256]. Макс Брод «Ёлғизлик трилогияси» деб номланган асарлар туркумини бошлаб берувчи «Америка» романининг фожиавий бедаволиги, кейинги икки романга қараганда, унчалик кучли сезилмайди, деб таъкидлайди. Романда тасвирланаётган Американи қатор белгилар бўйича таниб олиш мумкин ва шу боис «умуман олинган дунё» тимсолига айлантириш «Жараён» романидаги бош образ Йозеф К. устидан олиб борилаётган суд жараёни ўтаётган Шаҳар, ёки «Кўрғон» романидаги танобчи К. ўрнашиб олишга ва ўзини ҳимоя қилишга интилаётган Қишлоқ тимсолини кўриш нотўғри бўлар эди. Аксинча «Америка» романида тилга олингани «Оклахома» театри бундай тимсол сифатида намоён бўлади. «Ҳаммага иш топиб бера оладиган театр қандай жой ўзи?» деган ҳақли савол туғилади. Ҳеч ким ҳеч кимни таҳқирламайдиган ва барчага ўзи орзу қилган ҳаётни тақдим этиладиган ер, утопияга хос қарашларининг ҳосиласими, деган хаёлга борасиз. Асарнинг айнан шу жойини «Сусамбил» эртагига қиёслаш мумкин. Қаҳрамонларнинг бари сўнгсиз азоб-укубатлар ичра ўша жойга етиб бориб, ҳамма нарса мўл-кўл

бўлган ерларда хузур-ҳаловатга ва эркинликка эришиш учун интилади. Бироқ ўша машҳур эртақнинг ниҳояси бор ҳартугул, заҳматкашлар истагига эришгани эркинлик мотивини асослайди. Лекин «Америка» романидаги бош образнинг қисмати озодлик учун интилиб ғойиб бўлган мотивни англатади.

«Америка» романидаги «Оклахома» театри — бу мантиқан тушуниб бўлмайдиган, қандай вазифани бажараётгани ноаниқ ташкилот (ёки идора) ўзининг хуфёна иш тутиши ва таъсир доирасини беҳад кенгайтиришга қодирлиги билан Роберт Вальзернинг «Якоб фон Гунтен» (Jakob von Gunten 1909) романида тасвирланган «уй ичкарасидаги ҳашаматли хоналарни» ёки Ҳерман Ҳессе (Hermann Hesse— 1877-1962)нинг «Чўл бўриси» (Der Steppenwolf— 1927) романидаги «Сехрли театр» («das magische Theatr») ни эслатади [5:166].

Франц Кафка ва унинг қаҳрамонлари томонидан воқелик алоҳида бир шахсга ўта адоватли, оқилсиз ва қабих олам сифатида қабул қилинади. Қўркув, ёлғизлик, бегоналашиш, тажовуз — Франц Кафка оламига хос бўлган ҳиссиётлардир. Ижодкорнинг тасаввурлари ўзига хос ва бетакрордир. У буни: «Гапиришимга қараганда бошқача ёзаман, ўйлаётганимга нисбатан ўзгача дейман, фикрлашим керак бўлганича эмас, бошқача фикрлайман ва бу энг зимистон тубликларгача шундай» тарзида баён этган [8:356]. Соддадил, қалби беғубор, ҳаётини тажрибаси йўқ Карл Росман ҳаёт маъносини эмас, балки ҳаётдаги ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. Унда ҳали ҳам бу бешафқат дунёда ўзига бошпана топиш ва ўзи туғилиб ўсган уй, кадрдон оиласи, меҳрибон ота-онаси билан узилган алоқаларини тиклаш орзу-умиди сўнмаган. Аммо бу дунёда эзгулик ва олижаноблик хислатлари уни тарк этган эди. Ёвузлик бу абсурд дунёни чулғаб олган бўлиб Росманни тушунишни истамади. Росман бу дунёнинг тор сўқмоқларидан, «Оксидентал» меҳмонхонасининг йўлакларидан қанчалик тирлишиб уринмасин чиқиб кета олмаслиги романда «озодлик» мотивининг берилишини асослаб беради. Умуман олганда, Кафка романларида лабиринт, англаб бўлмас Қонун олдидаги ожизлик, куч-қувватдан қолиш мавзуси устунлик қилади.

Ёзувчи кундалигида икки асари: «Америка» ва «Жараён» романларининг қахрамонларини қисматини солиштириб шундай дейди: «Улар айбсиз ва беғубор эди, бироқ интиҳода иккиси ҳам ҳеч қандай тафовутсиз қатл этилди» [8:326]. Бу ҳолатда фақат биргина хулосага келиш мумкин, Кафка қахрамонларнинг тақдирини акс эттириш орқали дунёда Россманга ўхшаган қалб ва руҳ озодлиги учун курашадиганларнинг қисмати қандай кечишини олдиндан башорат қилган бўлиб чиқади.

Олий руҳга, эзгуликка яқинлашиш иштиёқи Кафкани руҳлантирар, юрагидаги алангани авж олдирарди. «...Эзгуликка юзланиш лозим ва сен ўтмишга, ҳаттоки, келажакка қарамасдан ҳам нажот топасан» — деган эди у. Адиб ёлғон-яшиқ гап, фисқу-фасод, уйдирмалар, ноҳақликлар ва нотўғри талқин этилган ақидалар чангалзорларида ҳақиқатга яқинлашишга ҳаракат қиларкан, у ўзини ижодкор сифатида сақлаб қолишга, умрини маъносиз, мазмунсиз нарсаларга сарфлашдан қочишга, ҳурфикрли ёзувчи бўлиб қолишга интиларди.

Франц Кафканинг «Америка»си автобиографик роман эканлиги унинг кундаликларидаги ушбу мисралардан билиш мумкин: «Мен кўп вазиятларда, мустақил эмас эдим, ўз эрким кўлимда эмасди. Шу боисдан ҳам мустақил бўлишга, ҳеч кимга қарам бўлмасликка, ички эркинликка доим интиламан» [8:258]. Ушбу ички эркинликсиз Кафка «инсоннинг букилмас иродасига», унинг ўзи «бахтсиз юз йиллик» деб номланган XX асрда инсонларга хос бўлган ярамас иллатлар барҳам топишига ишончи йўқ бўлса-да, муҳими, бу асрда ҳам келажак учун ғамхўрлик орзусида ўстирса бўладиган новдаларнинг қолишига чиндан ҳам ишонган эди. Мана шу эркинликка бўлган иштиёқини Франц Кафка «Америка» романида озодлик мотиви орқали кўрсата олган бўлса, бу шафқатсиз дунёда гарчанд мақсад узоқ бўлса-да, яшаш учун кураш, сўнгги илинж қолгунча яхши ҳаётга интилиш инсонга хослигини «бедарак» мотиви орқали романларида асослаб берди.

Франц Кафканинг романларидаги мавҳумлик, ёзувчи «»Америка романидаги образи Карлни уқубатга гирифтор қилган дунё синовларининг

охирини кўрмаганлиги, лекин китоб шахсий дунёқараш учун эмас, аксинча америкаликлар тимсолида инсонга хос руҳиятнинг замонавий бегоналашуви, яъни инсониятнинг инсонийлигидан олислашуви қаламга олинганлиги сабаб «бедарак» мотивининг асослари яққол ифода этилган.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Shavkat Karimov. Nemis adabiyoti tarixi. Mumtoz so‘z. Toshkent, 2010,- B. 136.
2. Qozoqboy Yuldoshev. Yoniq so‘z. Yangi asr avlodi. Toshkent, 2006, - B. 386., 387.
3. Akmal Saidov. Franz Kafka — Telba Dunyoning Dahosi. Davr Press. Toshkent, 2015, - B. 13.
4. Ulug‘bek Hamdamov. Jahon adabizoti: modernizm va postmodernizm. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Akademnashr, 2020. – B. 118
5. Muhammadjon Xolbekov. XX asr modern adabiyoti manzaralari. Maqolalar to‘plami. — Toshkent: Mumtoz so‘z, 2012. — B. 158., 166.
6. Franz Kafka. Briefe 1902-1924. Fischer Taschenbuch Verlag GmbH. Frankfurt am Main, April 1975. — S. 265.
7. Franz Kafka. Amerika. Roman. Fischer Verlag. Frankfurt am Main, 2007. — S. 188., 189.
8. Franz Kafka. Tagebücher 1910-1923. Fischer Taschenbuch Verlag GmbH. Frankfurt am Main, März 1983, - S. 254., 256., 258., 356., 326.
9. Franz Kafka. Amerika. Roman. Fischer Verlag. Frankfurt am Main, 2011.
10. Franz Kafka. Das Schloß. Roman. Fischer Verlag. Frankfurt am Main, 2013.
11. Franz Kafka. Briefe an Felice. Roman. Fischer Verlag. Frankfurt am Main, 2009.
12. Felix Weltsch. Relegion und Humor im Leben und Werk Franz Kafkas, F.A. Herbig Verlagsbuchhandlung. München, 2009.
13. Franz Kafka. Evrilish. Qissa. Ernazarov erkin tarjimasi. Toshkent — «O‘zbekiston», 2013. — B. 7.
14. Franz Kafka. Die Verwandlung. Fischer Verlag. Frankfurt am Main, 2013.